



ISSN 2091-5187

СЕРВИС

ИЛМИЙ-АМАЛИЙ
ЖУРНАЛ

2023
2-сон



БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ, ИҚТИСОДИЙ ТАҲЛИЛ ВА АУДИТ	
То‘лқин Ismatulla o‘g‘li Yahyojev Qurilish korxonalarida moliyaviy holat tahlilini takomillashtirishda korrelyatsion tahlil xususiyatlari	154
Ашур Али Рустам ўғли Латипов Аҳолининг бандлигини таъминлашга таъсир этувчи омиллар ва уларни аниқлаш йўллари	161
Ойбек Мадатович Эсанов Ўзбекистон Республикасида кўчмас мулкларнинг ҳисобини такомиллаштириш масалалари	167
БАНДЛИК ВА КАМБАҒАЛЛИКНИ ҚИСҚАРТИРИШ	
Гулнора Мардиевна Шадиева, Шодиёр Абдихалилович Султонов Аҳоли бандлигини таъминлашда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ўрни	171
Акмал Абдувалиевич Абдусаидов Нодавлат иш билан бандлик хизмати ривожланишининг худудий хусусиятлари ва ишлаш технологияси	175
ТАЪЛИМ, КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ ВА ПЕДАГОГИКА	
Инатилло Убайдуллаевич Нематов Олий таълим хизматлари бозорини ривожлантиришда маркетинг стратегиясидан фойдаланишнинг ўзига хос жиҳатлари	181
Iroda Yormamatovna Beknazarova Ingliz tilini muammoli o‘qitish texnologiyasidan foydalangan holda o‘rgatish	188
АТРОФ-МУҲИТ МУҲОФАЗАСИ	
Shohista Bobobekovna Toyirova Muhofaza qilinadigan hududlarning tashkil etilishining jamiyat va tabiat munosabatlaridagi ahamiyati	191
ИБРАТЛИ БИТИКЛАР	
Ҳақиқий бахт Донишмандлар айтган саккизта ҳикматлар	197

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси “Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида”ги Қонуни. (янги тахрирда). –Т., 1998. 4-10 б.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ -4947-сонли Фармони. Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон. 5.
3. Смит А. Исследование о природе и причинах богатства народов. В 2 т. М.: Наука, 1993. – 570 с.
4. Саруханов Э.Р. Проблемы занятости в период перехода к рынку. СПб.: СПбУ. ЭФ, 2001.- 254 с.
5. Абдурахмонов Қ.Х. Меҳнат иқтисодиёти (дарслик). -Т.: Меҳнат. - 2009. -512 б

<p>Г.Шадиёва, Ш.Султонов Роль малого бизнеса и частного предпринимательства в обеспечении занятости населения</p>	<p>G.Shadieva, Sh.Sultonov The role of small business and private entrepreneurship in providing employment of the population</p>
<p>Аннотация: в статье рассматривается роль и значение малого бизнеса и частного предпринимательства в обеспечении занятости населения и развитии нашей национальной экономики. Также были проанализированы результаты проведенной работы по развитию малого бизнеса и малого предпринимательства за последний год, и предложены практические рекомендации по обеспечению занятости населения.</p> <p>Ключевые слова: малый бизнес и предпринимательство, занятость, уровень занятости, валовой внутренний продукт, рынок труда, развитие бизнеса, малый бизнес и микрофинансирование.</p>	<p>Abstract: the role and importance of small business and entrepreneurship in ensuring the employment of the population and the development of our national economy is studied in the article. Also, the results of the work carried out on the development of small businesses and small entrepreneurship in the last year were analyzed, and practical recommendations were offered to ensure the employment of the population.</p> <p>Keywords: small business and entrepreneurship, employment, employment rate, gross domestic product, labor market, business development, small business and microfinance.</p>

Акмал Абдувалиевич Абдусаидов – Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти доценти.в.б., и.ф.ф.д.

НОДАВЛАТ ИШ БИЛАН БАНДЛИК ХИЗМАТИ РИВОЖЛАНИШИНИНГ ХУДУДИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ ВА ИШЛАШ ТЕХНОЛОГИЯСИ

<p>Аннотация: Мақола республикамізда нодавлат иш билан бандлик хизмати ривожланишининг зарурати ва ҳуқуқий асослари, нодавлат воситачи фирмаларнинг нурлари бўйича таснифи, нодавлат иш билан бандлик хизмати ривожланишининг ҳудудий хусусиятлари билан боғлиқ муаммолар ҳамда уларни бартараф этиш йўллари тадқиқ этилган.</p> <p>Калит сўзлар: Меҳнат бозори, нодавлат иш билан бандлик хизмати, ишга ёллаш бюролари, давлат ва нодавлат иш билан бандлик хизматлари, кадрлар агентлиги, ишга жойлаштириш, ишчи кучига талаб, ишчи кучи таклифи, ишсизлик, ижтимоий кафолатлар.</p>
--

Кириш. Бугунги кунда мамлакатимизнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши янги босқичга кўтарилмоқда. Ушбу босқичда республикамізда барқарор ва жадал суръатлар билан иқтисодий ўсишни таъминлаш миллий ривожланиш стратегиясининг бош масаласи ҳисобланади.

Иқтисодий тараққиёт ва инсон салоҳиятини ривожлантиришда аҳолини иш билан бандлиги муҳим омил ҳисобланади. Аҳолини иш билан бандлигини таъминлаш унинг тақрор ишлаб чиқарилиши учун зарур шартдир. Шунинг учун аҳолини иш билан

бандлигини таъминлашнинг ижтимоий-иқтисодий ва ташкилий жиҳатларини тадқиқ этиш бугунги кундаги ижтимоий-иқтисодий муаммо сифатида алоҳида аҳамиятга эгадир.

Мамлакатимизда нодавлат иш билан бандлик хизмати фаолиятини ривожлантириш меҳнат бозорининг алоҳида сегментларида ишга жойлаштириш кўламини кенгайтиради ҳамда ишчи кучига талаб ва таклиф ўртасида бозор мувозанатига эришиш бўйича рақобат муҳитини шакллантиради.

Мавзуга оид адабиётларнинг таҳлили. Иқтисодий адабиётларда нодавлат иш билан бандлик хизмати ривожланишининг асосий йўналишлари, хусусий бандлик хизматининг турлари ва шакллари, меҳнат бозори сегментларидаги фаолият, халқаро даражада хусусий бандлик агентликларининг шаклланишининг норматив-ҳуқуқий асослари, рекрутинг агентликлари фаолияти, уларнинг ишлаш механизми, ишчи кучини ишга жойлаштириш технологияси, иш билан бандликни тартибга солиш механизмлари ҳамда иш билан бандликка кўмаклашиш бўйича виртуал агентликлар фаолиятининг айрим жиҳатлари илмий-назарий жиҳатдан ўрганилган.

Академик Қ.А.Абдурахмоновнинг “Меҳнат иқтисодиёти: назария ва амалиёт” номли дарслиги меҳнат бозорининг ижтимоий – иқтисодий моҳияти, мазмун, унинг шаклланиши, ишлаш механизми, ишсизлик ва уни камайтириш йўллари, иш билан бандликни тартибга солиш механизмлари, иш билан беқарор бандлик турлари, инновацион иш билан бандлик шакллари, фрилансинг фаолияти, меҳнат ресурслари мобиллиги ва меҳнат миграцияси муаммолари ёритиб берилган [1].

Н.У.Арабов ўз монографиясида меҳнат бозори инфратузилмасини ривожлантириш самарадорлигини оширишнинг ижтимоий-иқтисодий аҳамияти, хусусиятлари ва тамойиллари, инфратузилма таркибий қисмалари ва уларнинг алоқадорлиги, уларнинг мезонлари ва кўрсаткичларини илмий-назарий жиҳатдан таҳлил этган ҳамда унинг ривожланиш самарадорлигини интеграл баҳолаш методикасини ишлаб чиққан ҳамда давлат ва нодавлат иш билан бандлик хизматларини ривожлантиришнинг асосий йўналишларини илмий-амалий жиҳатдан тадқиқ этган [2].

Россиялик олима О.А.Варфоломеева ўз асарида меҳнат бозори инфратузилмаси таркибий қисмлари ва уларнинг ўзаро алоқадорлиги, нодавлат иш билан бандлик хизмати ривожланиши бўйича хориж тажрибаси, нодавлат иш билан бандлик хизматини турли хил мезонлар бўйича таснифи ва уларнинг фаолият йўналишлари, рекрутинг агентликлари фаолияти, давлат ва нодавлат бандлик хизматлари ва улар ўртасида ўзаро ҳамкорлик муносабатлари ҳамда виртуал агентликни ташкил этиш механизмларининг айрим жиҳатларини тадқиқ этган [3].

Машхур иқтисодчи олим Ж.М.Кейнс ўзининг “Пул, фоиз ва бандликнинг умумий назарияси” асарида иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солиш, меҳнат бозорида ижтимоий-иқтисодий муносабатларни тартибга солиш, ноилож ишсизлик, тўлиқ бандлик, иш билан бандликни давлат томонидан тартибга солиш механизмлари ҳамда иш билан бандлик, миллий даромад ва жамғариш ўртасида боғлиқлик масалаларининг фундаментал жиҳатларини тадқиқ этишга алоҳида эътибор қаратган [4].

Тадқиқот методологияси. Такдидот жараёнида нодавлат иш билан бандлик хизмати ривожланишининг ҳудудий хусусиятларини аниқлаш бўйича тизимли ёндашув, киёсий ва солишпирма таҳлил, гуруҳлаш усулларидан фойдаланилди.

Таҳлил ва натижалар. Республикаимизда инновацион иқтисодиётнинг ривожланиб бориши меҳнат бозорининг ташкилий тузилмалари сифатида давлат иш билан бандлик хизмати билан бирга турли йўналишлардаги ихтисослашган ва универсал тижорат иш билан бандлик органлари, ўқув марказлари, кадрларни танлаш бўйича агентликлар меҳнат бозорида аҳамиятли рол ўйнай бошлади.

2018 йил 16 октябрда «Хусусий бандлик агентликлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни¹да хусусий агентликлар пуллик хизматлар асосида Ўзбекистон Республикасида ва республикадан ташқарида иш кидираётган шахсларни ишга жойлаштириш бўйича хизматлар кўрсатиши белгилаб берилган.

¹ <https://lex.uz/docs/-3992869>

2018 йил 16 октябрда «Хусусий бандлик агентликлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг қабул қилиниши республикада хусусий бандлик агентликларининг фаолияти билан боғлиқ муносабатларни тартибга солишнинг асосий ҳуқуқий ҳужжати бўлиб ҳисобланади.

Ушбу қонуннинг 3-моддасига мувофиқ хусусий бандлик агентлиги иш қидираётган шахсларга иш танлаш ва ишга жойлашиш бўйича, иш берувчилар учун кадрлар танлаш бўйича хизматлар кўрсатувчи, шунингдек ишга жойлаштириш соҳасида ахборот ва маслаҳат хизматлари кўрсатувчи тижорат ташкилотидир. Хусусий бандлик агентлиги олий маълумотли раҳбарни қўшиб ҳисоблаганда камида икки нафар ходимга эга бўлиши керак. Мазкур қонунда хусусий агентликлар пуллик хизматлар асосида Ўзбекистон Республикасида ва республикадан ташқарида иш қидираётган шахсларни ишга жойлаштириш бўйича хизматлар кўрсатиши белгилаб берилган.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида иш қидираётган шахсларга иш танлаш бўйича хизматлар қуйидагиларни ўзичига олади:

– иш қидираётган шахслар тўғрисидаги ахборотни иш берувчилар ўртасида тарқатиш, шу жумладан ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда тарқатиш;

– бўш иш ўринларига эга бўлган иш берувчиларни излашни амалга ошириш;

– иш қидираётган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш берувчилар билан музокаралар ўтказиш;

– иш берувчилар ва иш қидираётган шахслар ўртасидаги суҳбатга тайёргарлик кўриш ҳамда музокараларда (суҳбатларда) иштирок этиш;

– иш берувчилар ва иш қидираётган шахслар ўртасидаги меҳнат шартномалари лойиҳаларини тайёрлашда иштирок этиш.

Фаолият йўналишларига кўра, нодавлат иш билан бандлик хизматини бир неча мезонлар бўйича таснифлаш мумкин. Шунга кўра, нодавлат иш билан бандлик хизмати меҳнат воситачилиги билан шуғулланишда давлат иш билан бандлик хизмати сингари ўзининг фаолиятида бир қанча йўналишларга эга.

Меҳнат воситачилигининг кўринишлари бўйича: тижорат иш билан бандлик хизмати ва нотижорат иш билан бандлик хизмати таснифланади. Нодавлат иш билан бандлик хизмати орасида иш берувчиларни ўзларининг миждозлари сифатида фаолият юритишни мақул кўрадилар. Шунинг учун меҳнат бозорида функцияларнинг тақсимланиши бўйича хусусий иш билан бандлик хизматлари: ходимларни танлаш бўйича агентлик (рекрут агентликлари) ҳамда фуқароларни ишга жойлаштириш бўйича агентлик, меҳнат биржаларига бўлинади.

Меҳнат бозорида фаолият юритувчи хусусий иш билан бандлик хизмати органлари конкрет тармоқлардаги корхоналар учун ходимларни танлашда ихтисослашиши ёки барча касбий-малака белгилари бўйича хизматлар кўрсатиши мумкин. Маълум бир тармоққа тегишли иш жойларида фуқароларни ишга жойлаштириш бўйича ҳам хизматлар кўрсатиши мумкин. Шундай экан, ишга жойлаштириш бўйича агентликлар универсал ва ихтисослашган агентликларга таснифланади.

Шунингдек, хусусий иш билан бандлик агентликларининг белгаларини кўраб персонални танлаш иерархиясининг корхона даражасида амалга ошириши, персонални ёллашнинг турлари, таклиф этилаётган хизматларнинг кўринишлари, функцияларнинг тақсимланиши бўйича, хизматларни тадқиқ қилиш усули бўйича.

Персонални саралаш ва танлаш бўйича компания фаолиятининг технологиялари бир қатор блоklarга ажратиш мумкин (1-расм).

Кейинги пайтларда меҳнат бозорида ишга жойлаштиришга кўмаклашишнинг давлат ва нодавлат тузилмаларининг шаклланиш самарадорлигини баҳолаш масалаларига кўпчилик тадқиқотчилар ўз эътиборларини қаратмоқдалар. Бунда асосан тадқиқот объекти бўлиб, мувофиқ равишда миждозларга хизмат кўрсатишнинг ҳудудий, ижтимоий-демографик ва касбий-малака тавсифи ҳисобланади.

Тадқиқотлар шуни кўрсатмоқдаки, республиканинг ҳудудларида нодавлат иш

билан бандлик агентликларининг ривожланиш жараёни қуйидаги ҳолатлар ва омилларга бевосита боғлиқдир:



1-расм. Рекрутинг компанияларининг ишлаш технологияси¹

Биринчидан, нодавлат иш билан бандлик агентликларнинг фаолияти асосан марказий шаҳарларда самарали ҳисобланади. Чунки, уларнинг фаолияти асосан меҳнат бозорининг малакали сегментига тўғри келмоқда. Агентликларнинг юқори малакали ва эксклюзив мутахассисларни ишга жойлаштириши асосан пуллик хизматлар асосида амалга оширилади. Яъни, қишлоқ меҳнат бозорининг малакали сегментида ишчи кучига талаб ва таклиф ўртасида номувофиқлик мавжуд ва бу хусусий агентликлар учун етарлича самара бермайди. Шу билан бирга, республикамиз қишлоқ жойларида ишга жойлаштириш бўйича пуллик хизматларни амалга оширишнинг имкониятлари муайян даражада чегараланган. Шунинг учун, қишлоқ жойларда хусусий агентликлар фаолиятини самарали ташкил этиш учун яратилган ва мавжуд иш ўринларининг нуфуз даражаси ҳам катта аҳамиятга эга. Бундай ҳолатда қишлоқ аҳолиси, хусусан, қишлоқ ёшларининг малака даражаси асосан меҳнат бозорининг нисбатан паст малакали сегментига тўғри келади.

Иккинчидан, хусусий хизматлар миждозларининг кўпчилигини ёшлар ташкил қилади, дедик. Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, давлат иш билан бандлик хизмати (туман бандликка кўмаклашиш марказлари (БKM))га иш сўраб мурожаат қилганлар сони йилдан йилга камайиш тенденциясига эга. Бунинг асосий сабаби, бир томондан, мавжуд иш ўринларининг аксарияти иқтисодий жиҳатдан нуфуз даражасининг пастлиги бўлса, иккинчи томондан, ишсиз сифатида рўйхатдан ўтиш бўйича расмийлаштиришдаги тўсиқлар ҳамда ишсизлик нафақасининг пастлиги асосий сабаб бўлмоқда. Кўришиб

¹ Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

турибдики, ишга жойлашишга муҳтож бўлган қишлоқ ёшлари давлат иш билан бандлик хизмати (туман БКМ)га иш сўраб мурожаат қилиш ўрнига юқоридаги омиллар сабабли бошқа манбалар (ўз-ўзини иш билан бандлигини таъминлаш, мустақил иш излаш, таниш-билишлар, қариндошлар орқали қисқа муддатли ёки бир марталик ишларга ёлланиш) ҳисобига ишга ёлланишга ҳаракат қиладилар. Қишлоқ меҳнат бозоридаги бундай ҳолат иқтисодиётнинг замонавий тармоқларини ривожланмаганлиги, қишлоқ ҳудудлари инвестицион жозибadorлигининг пастлиги билан изоҳланади.

Учинчидан, «Хусусий бандлик агентликлари тўғриси»ги қонуннинг 10-моддасига мувофиқ хусусий агентликлар Ўзбекистон Республикасидан ташқаридаги ишни қидираётган шахсларни ишга жойлаштириш билан ҳам шуғулланишлари мумкин. Шунга кўра, қонуннинг 13-моддасига кўра, Ўзбекистон Республикасидан ташқаридаги ишни қидираётган шахсларни ишга жойлаштириш бўйича хизматлар кўрсатиш учун хусусий бандлик агентликлари заҳира қилинадиган сумма сарфланган тақдирда маблағларнинг ўрнини тўлдириш, шунингдек лицензия тугатилган ёки бекор қилинган тақдирда маблағларни қайтариш шартлари билан базавий ҳисоблаш миқдорининг саккиз минг беш юз баравари миқдоридagi маблағларни Ўзбекистон Республикаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги ҳузуридаги Хорижда меҳнат фаолиятини амалга оширувчи фуқароларни қўллаб-қувватлаш ҳамда уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш жамғармасида заҳира қилиб қўйиши келтириб ўтилган. Бундан кўринадики, қишлоқ жойларда хусусий агентликлар хорижга ишчи кучини экспорт қилиши анча самарали фаолият ҳисобланади. Бироқ масаланинг иккинчи томони шундаки, бундай фаолиятни амалга ошириш бўйича рухсатни олиниши учун молиявий жиҳатдан етарлича муаммоларга дуч келиши муқаррар.

Тўртинчидан, қишлоқ аҳолиси, хусусан, ёшлар ичида хорижда ўз меҳнат фаолиятини амалга ошироқчи бўлганлар кўпчиликини ташкил этади. Қишлоқ ҳудудларида ёшларнинг хусусий агентликлар орқали хорижга ишлаш учун боришидан кўра, МДХ мамлакатлари ичида рухсат этилганларига норасмий ишга бориш афзалроқ ҳисобланади. Бунинг асосий сабаби, агентликка муайян бадални тўлаш (иш ҳақидан), ҳужжатларни расмийлаштириш, муайян вақт мобайнида кутиш билан боғлиқ жараёнга дуч келгандан кўра, хусусий ҳолда шахсий хоҳишига кўра хорижга бориб ишлаш афзалроқ ҳисобланди.

Бешинчидан, қишлоқ аҳолисининг касбий кўникмалари ва малака даражасига кўра, шаҳар аҳолисига нисбатан кам рақобатбардош ҳисобланади. Хусусий агентликлар - меҳнат бозорида рақобатбардошлиги паст бўлган аҳоли категориялари (касбий тайёргарликка эга бўлмаган ёшлар билан; узоқ вақт ишсиз бўлганлар билан ва ҳ.к.) билан кам ҳолларда ишлайдилар. Шунинг учун, шаҳар ва шаҳар атрофидаги ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш объектларига, кўшма корхоналарга қишлоқ ҳудудларидан мутахассиларни ишга жойлаштириш корхона ва фирмалар учун ҳам хусусий агентликлар учун ҳам самарали ҳисобланмайди.

Олтинчидан, давлат иш билан бандлик хизмати мижозлари ўртасида умумий 20 дан 30 йилгача меҳнат стажига эга фуқаролар кўпчиликини ташкил этади. Бу вақтда мазкур кўрсаткич тижорат хизматларида 1 йилдан 10 йилгача ташкил этади (2 йилдан 5 йилгача бўлган гуруҳлар иш стажини устунлик қилади)¹. Кўшимча мутахассисликка эга давлат иш билан бандлик хизмати мижозларининг солиштирма миқдори тижорат хизматларининг мижозларига нисбатан анча паст, чунки улар ишга жойлаштириш бўйича хусусий агентликларнинг потенциал имкониятларини юқори баҳолайдилар. Шунинг учун, агентликда фаолият юритаётган мутахассислар юқори компетенцияга эга бўлишлари керак. Чунки уларнинг фаолияти мақсадига кўра, фойдага қаратилган. Бундай ҳолатда юқори малакали мутахассислар шаҳардаги юқорироқ иш ҳақиға эга хусусий бандлик агентликларида фаолият юритишни афзал кўрадилар.

Еттинчидан, таққосланаётган ташкилий тузилмалар мижозлари ўртасидаги жиддий фарқ бўлиб, хусусий агентликларга кўпинча янги иш излаш мақсади билан

¹ Муаллиф томонидан ўтказилган экспресс баҳолаш натижаларига кўра аниқланган.

ишлайдиган фуқаролар, туманлар БКМларига эса кўпинча иш жойига эга бўлмаган фуқаролар мурожаат қилади. Шундай экан, БКМлари хизматини хусусий тузилмаларга солиштирганда асосан меҳнат бозорида етарлича юқори ресурс имкониятига эга фуқаролар мурожаат қиладилар: олий маълумотга, иш жойига, муайян фаровонликга эга ёшлар; нафақат иш қидирувчилар, балки кўшимча иш ҳақи олишга эга бўлмоқчи бўлганлар. Бундай сифатларга эга фуқаролар кишлоқ жойларда нисбатан кам сонли ҳисобланади.

Хулоса ва таклифлар. Юқорида келтирилган ҳолатлардан келиб чиқиб, нодавлат иш билан бандлик агентликлари фаолиятини ташкил этиш учун қуйидаги хулосалар чиқарилди:

1. Ҳар қандай хусусий агентликлар мақсади мустақил равишда учта масаланинг ечимидан иборат: а) буюртмачи-компаниянинг кадрларга эҳтиёжини тушуниш; б) бу эҳтиёжларга энг кўп даражада мувофиқ келадиган таклифлар ичидан топиш; в) келгуси ишчиларнинг максимал омилкорлиги ва тартиблилиги бўйича буюртмачига кафолат бериш мақсадида олдинги номзодларни текшириш.

2. Республикамиз меҳнат бозорида турли хил ташкилий тузилмаларнинг фаолият соҳалари етарлича аниқланган. Бунда давлат ташкилотлари аҳолининг барча категориялари учун амалда кенг миқёсда бепул хизматларни кўрсатади ҳамда меҳнат бозорида ночор аҳоли қатламларини ижтимоий ҳимоя қилиш ва қўллаб-қувватлашни амалга оширади. Республикамизда хусусий бандлик агентликлари тўғрисидаги қонуннинг қабул қилиниши натижасида меҳнат бозори ташкилий тузилмаларининг меҳнат воситачилиги соҳасида давлат ва нодавлат хизматлари бир вақтнинг ўзида ривожланмоқда ва мутлақо турли хил фаолият билан шуғулланмоқда.

Кишлоқ ҳудудларида нодавлат иш билан бандлик хизмати ривожланишининг самарали ташкилий механизмлари қуйидаги тадбирларни ўз ичига қамраб олади: кишлоқ ҳудудларида хусусий бандлик агентликларини ташкил этиш; кишлоқ меҳнат бозорининг муайян сегментида хусусий бандлик агентликлари фаолиятини ихтисослаштириш; туманлар БКМлари билан ҳамкорликни йўлга қўйиш; хорижга ишчи кучини экспорт қилишни рағбатлантириш; хусусий агентликларни кишлоқда рақобатбардошлиги паст бўлган аҳоли категориялари билан ишлашни йўлга қўйиш.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Абдурахмонов Қ.Х. Меҳнат иқтисодиёти: назария ва амалиёт. Дарслик. Қайта ишланган ва тўлдирилган 3-нашри. - Т.: ЎзФА “ФАН” нашриёти, 2019, – 592-б.
2. Арабов Н.У. Ўзбекистон Республикасида меҳнат бозори инфратузилмасини ривожлантириш самарадорлигини ошириш. Монография. - Т: “Фан ва технология”, 2017. – 272-б.
3. Варфоломеева О.А Становление инфраструктуры рынка труда в переходной экономике. СПб., Издательство СПбУЭФ. 2001. –С. 125.
4. Кейнс Дж.М. Общая теория занятости, процента и денег. – М.: “Гелиос”, 1999. – С.112.

<p style="text-align: center;">А.Абдусаидов</p> <p style="text-align: center;">Региональные особенности развития частных служб занятости</p> <p>Аннотация: в статье исследуются потребности и правовые рамки для развития частных служб занятости в республике, классификация типов частных посреднических фирм, региональные проблемы особенности развития частных служб занятости и пути их решения.</p> <p>Ключевые слова: рынок труда, частные службы занятости, бюро занятости, государственные и негосударственные службы занятости, кадровые агентства, занятость, спрос на рабочую силу, предложение труда, безработица, социальные гарантии.</p>	<p style="text-align: center;">A.Abdusaidov</p> <p style="text-align: center;">Regional features of the development of private employment services</p> <p>Abstract: the results of exploration the needs and legal framework for the private employment services development in the republic, the private intermediary firms classification for types, regional features of the private employment services development and the ways to solve the problems in the sphere were presented in the article.</p> <p>Keywords: labor market, private employment services, employment bureaus, state and non-state employment services, personnel agencies, employment, demand for labor, labor supply, unemployment social guarantees.</p>
---	--

ISSN 2091-5187

∞ “СЕРВИС” ∞

Журнал Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти таҳририят
бўлимида нашрга тайёрланди.

2.06.2023 йилда теришга берилди. 21.06.2023 йилда босишга рухсат этилди.
Офсет босма қоғози. Қоғоз бичими 60x84_{1/8}. “Times” гарнитураси. Офсет
босма усули. Шартли босма табағи 14,6. Ҳисоб-нашриёт
табағи 12,5. Адади 100 нусха. Буюртма № 0045А/23.

Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институтининг
матбаа бўлимида чоп этилди.
Лицензия № 025316.
Реестр № Х-119112.

Манзил: Самарқанд шаҳри, Шохрух кўчаси, 60-уй.

© Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти, 2023